



« 25 » апрель 2018 й.

Наманган шаҳри 309 -сонли

**Наманган шаҳрида йўловчилар транспортида йўловчилар ташиш
ҳақининг янги тарифини белгилаш тўғрисида**

“Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5сон, 124-модда)нинг 12,16-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарда ва шаҳар атрофига катнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида” 1994 йил 8 сентябрдаги 455-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1994 й., 9-сон, 45-модда)га асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 апрелдаги ДС/15-04-34-11/87-823-сон хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)нинг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 апрелдаги ДС/15-04-34-11/87-823-сон хати асос учун қабул қилинсин.
2. Наманган шаҳрида 2018 йил 1 майдан бошлаб, автобус йўловчилар ташиш транспортида йўловчиларни бир маротаба ташиш хизмати (йўлқира ҳақи)нинг янги тариф даражаси 1000 (бир минг) сўм этиб белгилансин.
3. Наманган шаҳар ҳокими (Ш.Абдуразақов) “Ўзавтотранс” агентлигининг Наманган вилояти бошқармаси (А.Абдулҳодиев) билан биргаликда:
Наманган шаҳрида автобусларда аҳолига йўловчи ташиш хизмати сифатини ошириш, автобусларнинг ҳаракатланиш жадвалларига ва оралик масофаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

йўловчи ташиш транспортларини ҳаракатланиши бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан транспортларнинг ҳаракатланиши устидан “он-лайн” режими асосида масофавий назорат (GPS) тизимини жорий этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчиларни ташувчи ташкилот ва корхоналар билан тузилган тендер контрактларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиласинлар.

4. Вилоят молия бош бошқармаси (Т.Юсупов), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси (З.Икрамов) ва вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Тешабаев)ларга юқорида ўрнатилган тарифларнинг тўғри қўлланилиши устидан доимий назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Наманган вилоят ҳокимининг 2014 йил 1 июлдаги 197-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

8. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Нурматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров